

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Чоршанбиев Фарход Хидирович

"Hamkorbank" АТБ Ички аудит хизмати

Актив амалиётоар таваккалчилиги бўлими бошлиғи

Аннотация: Барчамизга маълумки, тижорат банки хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб боради, яъни банклар фаолиятининг пировард натижаси банк хизмати ҳисобланади. Шундай экан, улар томонидан банк хизматларини кўрсатиш учун маълум операциялар амалга оширилади. Шу ўринда «банк хизмати» ва «банк операцияси» каби тушунчаларига ойдинлик киритиш лозим деб ўйлаймиз. Фикримизча, бу икки атама ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Банк операцияси ёки операциялар йиғиндисидан натижасида банк хизмати ҳосил бўлади. Демак, банк операцияларининг якуний натижаси мижозларга банк хизматини кўрсатиш ҳисобланади.

Калит сўзлар: банк, Тижорат, ҳисоби кўрсаткичлари, Аудиторлик .

Тижорат банкларида ички фойдаланувчилар учун бошқарув қарорларини қабул қилишда асосланган ички ҳисобот шаклларини жорий қилиш ва унинг маълумотларини банк ички операциялари ҳисоби кўрсаткичлари асосида тайёрланишидир. Бундан ташқари ташқи фойдаланувчиларга тақдим этиладиган молиявий ҳисобот шаклларини ҳам таҳлил қилиб қарайдиган бўлсак, асосий манба банк ички операциялари ҳисоби маълумотлари ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида ички банк операциялари ҳисобининг аҳамиятини янада оширади. Демак, асосий масалалардан бири ички банк операцияларининг тўғри ва асосли юритилишини назорат қилиш ва унга холисона баҳо бериш ҳисобланади. Ушбу масалани ҳал этишда ташқи ва ички аудит хизматидан фойдаланилади.

Банк ички операцияларини аудиторлик текширувини ўтказишда банк ички операциялари туркумига кирувчи асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби, иш ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби, солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоблари алоҳида кўриб чиқилади. Банк ички операцияларини аудиторлик текшируви тижорат банкининг ҳисоб сиёсати билан танишишдан бошланади ва ундан текширув учун қуйидаги зарурий маълумотлар олинади: — банк ички операцияларини ҳисобга олишга мўлжалланган счётларнинг ишчи режаси; — банк ички операциялари билан боғлиқ ҳисоб регистрлари рўйхати; — банк ички операциялари ҳисоб билан боғлиқ бирламчи ҳужжатларнинг айланиши; — банк активларини баҳолаш хусусиятлари, эскириш ва амортизация маъёрлари. Юқоридаги фикрларни умумлаштирадиган бўлсак,

банк ички операциялари ҳисобини аудиторлик текширувидан ўтказишда унинг барча қирраларини қамраб олиш лозимлигини кўришимиз мумкин. Банк ички операцияларини аудиторлик текширувини 4 та босқич асосида амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

Аудиторлик текширувини режалаштириш ва ташкил қилиш;

Банк ички операцияларини тестдан ўтказиш;

Молиявий ҳисоботнинг моддаларида акс эттирилган маълумотларни банк ички операциялари маълумотлари билан солиштириш ва тўғрилигини текшириш;

Аудиторлик текширувини яқунлаш ва аудиторлик ҳисоботини тузиш.

Ҳозирги кунда тижорат банклари кучайиб бораётган рақобат муҳитида харажатларни имкон даражасида камайтириш орқали банк хизматлари нархини пасайтириш, мижозлар талабларини ўрганган ҳолда янги банк хизмат турларини кўрсатиш натижасида молиявий барқарорликни таъминлашга эришмоқдалар. Тижорат банклари мижозларга банк хизматларини кўрсатиш жараёнида бир неча турдаги харажатларни амалга оширади. Ушбу харажатлар банк хизматларини кўрсатиш эвазига олинадиган даромадлар ҳисобига қопланади. Демак, банклар нафақат олинадиган даромадлар ҳажмининг кўпайтиришга эътибор бериши, балки қилинадиган харажатларнинг мақсадлилиги ва уларнинг ҳажмини имконият даражасида тежашга ҳам эътибор қаратишлари лозим бўлади. Шу нуқтаи назардан, тижорат банклари фаолиятида муҳим ўрин тутадиган операция харажатларнинг юзага келиш сабабларини ўрганиш, уларнинг ҳисобини тўғри юритишда банк ички операциялари ҳисобини атрофлича тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки операция харажатлар банк ички операцияларининг маҳсули ҳисобланади.

Ўзбекистондаги тижорат банклари фаолиятини ташкил этиш ва юритишда муҳим масала ички банк операцияларини бухгалтерияда ҳисобга олиш ва уларни умумлаштириш, уларнинг самарадорлигини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Чунки ушбу операциялар энг аввало банк фаолиятини самарали ташкил этиш ва ортиқча харажатларга йўл қўймаслик, банкнинг самарли ишлашини ташкил этишга боғлиқдир. Чунки тижорат банклари амалга оширадиган харажатларини таҳлил қилиш ва уни тўғри амалга оширилишини назорат қилиш зарурияти вужудга келади. Ушбу харажатларни тижорат банкларининг консолидациялашган молиявий ҳисоботларида акс эттириш, айрим филиаллар бўйича харажатларни ҳисобга олиш ва уларнинг даромадлари билан таққослаш зарурияти вужудга келади. Ушбу ҳисоботлар консолидациялашган молиявий ҳисобот ҳисобланиб, унинг тузишнинг асосини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ташкил қилиб, тижорат банкларида консолидациялашган молиявий ҳисобот халқаро стандартлар талабларига (МҲҲС) мос равишда тузилади ва тақдим қилинади. Чунки тижорат

банкларида филиаллар, бўлимлар бўйича кўрсаткичлар умумлаштирилиб бош банкда консолидациялашган молиявий ҳисобот шакллантирилади.

Ўзбекистоннинг МҲХСни қабул қилиш бўйича тутган ўрни ижобий, бироқ МҲХСни қўллашни жадаллаштириш ва интеграция жараёнида фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ташкилотларнинг вазибалари молиявий ҳисоботлар ундан фойдаланувчиларга молиявий ва бошқа қарор қабул қилишлари учун ҳаққоний ва шаффоф маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этишдан иборат. Унинг статистика ҳисоботи ёки бошқарув ҳисоботидан фарқи ана шунда.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банки фаолияти Марказий банк томонидан тартибга солинади, Марказий банк тижорат банкининг соғлом фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш учун ундан маълум ҳисоботлар талаб қилади.

Тижорат банклари томонидан ички банк операцияларини юритишда энг аввало ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш масалалари мураккаб ва масъулиятли бўлганлиги сабабли кўп ҳолларда мол – мулк, мажбуриятлар ва хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобига олишда хато ва чалкашликларга йўл қўйилади. Тўғри танланган ва асосланган ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобининг барча ташкилий, методик ва техникавий элементларини қамраб олади.

Тижорат банкларда ички банк операцияларни бухгалтерия ҳисобини юритишда банк кенгаши томонидан тасдиқланган ҳисоб сиёсати томонидан қонуний асоси белгиланади ва ушбу жараённинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

банкнинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруғи мавжудлиги;

бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар режаси;

ички бухгалтерия ҳисоботи учун бирламчи ҳужжатлар шакллари рўйхати;

ҳужжатлар айланиши қоидалари ва ҳисоб ахборотининг қайта ишланиши технологияси;

банк ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруғига айрим кўрсаткичлар бўйича тасдиқланган услублар ва бошқа иловалар;

банкнинг ҳисоб сиёсатига доир маълумотларни очиб берадиган тушунтириш хати;

бухгалтерия ҳисобини юритишнинг олдинги йиллардан фарқ қиладиган, ҳисоб сиёсатини шакллантиришда танланган услублар;

ҳисобот санасидан кейинги воқеалар ва хўжалик фаолиятининг шартли фактлари, битта акцияга тўғри келадиган фойда ҳақидаги қўшимча маълумотлар базаси мавжудлиги.

Ички банк операцияларини юритишда ҳисоб сиёсатининг услубий жиҳатлари банк бош бухгалтери томонидан ишлаб чиқилади ва бухгалтериясида ҳисоб юритиш жараёнида қўлланиладиган бухгалтерия

ҳисобининг асосий тамойиллари ва услубий қоидалари акс эттирилади. Республикамиз банклари фаолиятини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатларда банкларнинг даромадлари ва харажатларини солиқ базасига қўшиладиган ва қўшилмайдиган гуруҳларга ажратилиши ҳам бюджет билан бўладиган ҳисоб-китобларда у ёки бу вариантни мустақил танлаш имкониятини беради. Ички банк операцияларини методологик жиҳатда бюджет билан бўладиган ҳисоб-китобларининг қуйидаги масалалари очиб бериш лозим:

фойда (даромад) солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар даврини белгилаш;

қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоб вариантларини аниқлаш;

кредит операциялари ҳисобининг солиқ жиҳатлари;

қимматли қоғозлар операциялари ҳисобининг солиқ жиҳатлари;

валюта операциялари ҳисобининг солиқ жиҳатлари.

Ҳисоб сиёсатининг методологик жиҳати акс эттириладиган бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари ва услубий қоидаларини ҳисоб сиёсатида шакллантиришда қуйидаги асосий масалаларни ечимлари кўрсатилиши зарур:

асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблаш тартиби;

асосий воситалар ва арзон баҳоли тез эскирувчан буюмларни чегаралаш;

банк фаолияти учун зарур бўлган материаллар ва банк анжомларини сотиб олиш, сақлаш ва уларни ҳисобдан чиқариш тартиби;

банк фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳисобга олиш ва тан олиш тартибини белгилаш;

асосий воситаларни таъмирлашни молиялаштириш ва уни ҳисобга олиш тартиби;

келгуси давр сарфларини қоплаш муддатлари;

келгусидаги тўловлар ва харажатлар учун захиралар;

қайтарилиши мавҳум бўлган қарзлар бўйича захиралар;

банк фаолиятидан олинадиган даромадларни тан олиш тартиби;

келгуси давр даромадларини ҳисобга олиш ва тан олиш тартиби;

соф фойдани аниқлаш ва тақсимлаш тартиби;

дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилаш ва ҳисобда акс эттириш;

берилган ва олинган кредитлар бўйича фоизларни ҳисоблаш, тўлаш ва уларни ҳисобда акс эттириш;

олинган кредитларни баҳолаш тартиби.

Ҳисоб сиёсати ташкилий жиҳатдан банк муассасасида ташкил қилинган бухгалтерия хизматининг ташкилий шакиллари, бухгалтерия хизматининг таркиби ва ҳисобнинг марказлаштирилган даражаси, банк бўлинмаларини

алоҳида балансга ажратиш ва ички назоратни ташкил қилиш масалаларини ўз ичига олади[2]. Ҳисоб сиёсатининг техник жиҳати эса куйидаги масалаларни ўз ичига олади:

марказий банк томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган счётлар режаси асосида ишлаб чиқилган ишчи счётлар режаси;

дастлабки ҳужжатларнинг ҳисоб шаклларида фойдаланиш тартиби;

бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар айланиши ва уларни қайта ишлаш тартиби;

мулк ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш.

Банкларда ички банк операцияларини шакллантиришнинг ташкилий жиҳатида банкда ташкил қилинадиган бухгалтерия хизматининг тузилиши ва таркиби аниқланган ва уларнинг лавозими бўйича ҳуқуқлари, бурчлари ва мажбуриятлари белгиланган. «Бухгалтерия ҳисоб тўғрисида» ги қонунга мувофиқ, банк бошқарувчиси бош бухгалтер лавозимига тайинладиган шахс номзодини банкнинг юқори ташкилоти раҳбариятига тавсия қилади[3]. Банк раҳбари банк бухгалтериясининг нормал ишлаши учун етарли шароит яратилиши учун жавобгар ҳисобланади. Бош бухгалтер бухгалтерия аппаратида раҳбарлик қилади ва ҳисоб-китобларнинг аниқлигига, тўғрилигига ва ўз вақтида бажарилишига жавобгар ҳисобланади. Шунингдек, ҳисоб сиёсатининг ташкилий жиҳатида банк бухгалтериясининг иш графиги ҳам кўрсатилади. Унда бухгалтерия ходимларининг иш куни тақсимланиши, иш кунлари мобайнида келиб тушган ҳисоб-китоб пул ҳужжатларини ўз вақтида қабул қилиш, қайта ишлаш, бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш ва кундалик балансни белгиланган вақтга тузишини инobatга олган ҳолда амалга оширилади.

Банкларда ички банк операцияларини техник жиҳатидаги асосий масалалардан бири Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган счётлар режаси асосида ишчи счётлар режасини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Аммо ишчи счётлар режасини ишлаб чиқишда банк фақат иккинчи тартибли счётлар рўйхатига ўзгартириш киритишга ҳақли ва уларнинг рўйхатини келтириши зарур. Иккинчи тартибдаги янги иш счётларини киритишда аввало, банкда бажариладиган операцияларнинг иқтисодий мазмунини ҳисобга олган ҳолда банк операцияларини бухгалтерия ҳисоби счётларида ҳисобга олишнинг усули ва услубий тамойилларига амал қилинади. Миллий банкда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, банк операцияларини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя қилиниши учун банк раҳбари жавобгар ҳисобланади.

Республикамиз тижорат банклари ташки аудитининг асосий мақсадларидан бири бу банкнинг молиявий ҳисоботлари ҳаққонийлигини ва молиявий операцияларни меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга

оширилганини тасдиқлашдан иборатдир. Бунинг учун эса, аудитор кўп сонли ҳужжатларни ўрганиши ва таҳлил қилиши, шунингдек, олиб борилган жараённинг тўғри эканлигини исботлаш учун ички аудит тўғрисидаги низом талабларидан келиб чиққан ҳолда текширувнинг ҳар бир босқичини ҳужжатлаштириши ва олинган натижаларни ҳулосаларда акс эттириши лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, текширув жараёнида олинган ҳужжатларини ташқи аудит хизмати ходимлари асосан икки гуруҳга, яъни режалаштириш, ҳулоса ва тақлифлардан иборат ҳужжатлар тўпламига ажратадилар. Биринчи гуруҳга йиллик режаси ва текширув саволномалари, иккинчи гуруҳга аудиторлик ҳулосаларидан ташкил топган. иш ҳужжатлари киритилади. иш ши

Бунинг натижасида бош аудитор томонидан далолатномаларда келтирилган фактларни бирламчи ҳужжатлар билан киёслаш ва ҳулосаларнинг канчалик тўғри эканлигини таҳлил қилиш имкони бўлмайди. Гарчи, аудиторнинг далолатномаларида аниқланган камчиликларнинг турлари бўйича айбдор шахслар тўғрисидаги маълумот батафсил берилган бўлсада, лекин текширувнинг аниқ мақсади ва аниқланган камчиликларнинг манбалари етарлича ўз аксини топмаган.

Банк ҳисоб сиёсатининг солиқ тизими банк муассасасида содир бўлган ҳўжалик жараёнларининг солиқларни ҳисоблаш методикаси ва улар бўйича бюджет билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоб масалаларини ўз ичига олади. Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳисоб сиёсатининг у ёки бу элементларини белгилашда уларнинг солиқлар соҳасидаги оқибатларини ҳам олдиндан кўра билиши керак. Ҳисоб сиёсатининг солиқ тизимида, даромад солиғи ва қўшилган қиймат солиғи сингари солиқлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоб қилиш варианты банк томонидан қонунда белгиланган нормага асосланиб, мустақил танланади ва ўз ҳисоб сиёсатида белгилаб қўйилади. Банк ҳисоб сиёсатининг яна бир муҳим солиқ тизими банкнинг барча харажатларини (даромадларини) солиққа тортиш мақсадларида ҳисобга олинувчи харажатларга (даромадларга) ажратишдир.

Шундай қилиб тижорат банкларининг ички банк операцияларини ҳисобга олиш жараёнида қуйидаги жиҳатларига эътибор бериш лозим:

1) молиявий ҳисоботлари халқаро стандартлар асосида тижорат банкининг бошқарув харажатларини ҳисобга олиш тартибини ишлаб чиқиш;

2) асосий воситалар, материаллар, иш ҳақи ва ажратмалари, бошқарув харажатларини ҳисобини ташкилий асосларини ишлаб чиқиш;

3) бошқарув харажатлари ва уларни натижасида олинган даромадни таққослаш орқали тижорат банкларини харажатларини ўзини қоплашини ва фойда билан ишлашини таъминлаш;

4) бошқарув харажатларини консолидациялашган фойда ва зарарлар бўйича ҳисобот шаклида акс эттирилиши лозим ва бош банк банк

филиалларининг молиявий ҳисоботларини умумлаштириб,
консолидациялашган ҳолда чоп этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.//www.lex.uz.

Е.Ф Жуков “Банки и небанковские кредитные организации и их операции” /Под редакции Москва:2005. – 113с.

И.О.Лаврушина “Основы банковского дела /Под редакции М. Финансы и статистика”, 2008г. С.28.

Джураев Камолиддин Нуриддинович “Тижорат банклари банк ички операциялари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш” дисс автореферати Тошкент- 2020

[1] Международные стандарты финансовой отчетности. 2017. Москва:Аскери, 1047 с. С.68-69.

[2] Тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Дарслик, /А.К.Ибрагимов, З.А.Умаров, К.Р.Хатамов, Н.К.Кузиев. Т.: Иқтисод-молия, 2020. -560б. Б,127.

[3] Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун”. www.lex.uz

ТИ TAS-IX.